▼ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

***Инсоният тараққиётида XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар ва ўзгаришларга бой бўлди. Шу жумладан, юртимиз ҳаётида ҳам чуқур тарихий эврилишлар рўй берди. Истиқлол боис, халқимиз тараққиёт йўлини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди, ўз ҳаёти ва турмуш тарзини миллий манфаат ва қадриятлар асосида, шунингдек, халқаро ҳамжамият эътироф этган демократик мезонларга уйғун равишда барпо этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади.***

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилган жуда кўплаб демократик тамойиллар ва нормалар ўз ифодасини топган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига бағишланган 2-бўлими муҳим аҳамиятга эга. Унда инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш юзасидан принципиал қоидалар ўз аксини топган.

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 37, 38, 39-моддалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23, 24, 25-моддаларининг қоидаларини ўзида тўлиқ ифода этади. Уларда фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган. Булар қаторида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, шунингдек, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи қайд этилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий ислоҳотлардан кўзланган мақсад — фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳамда самарали кафолатларини таъминлашдир. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддасида қайд этилганидек, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқларини амалга ошириш, шахснинг қадр-қимматини таъминлаш ва эркин ривожланиши учун ниҳоятда зарурдир.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Зеро, бозор муносабатларига қийинчиликларсиз, ижтимоий зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратдир.

Шу нуқтаи назардан, бозор муносабатларига ўтишнинг "Ўзбек модели" аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, унинг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини илгари суриб, юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизимини шакллантиришни тақозо этди.

Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий муҳофазалаш давлат органлари тизими тамомила қайта қурилди. Ижтимоий ҳимоянинг янги шакллари жорий этилиши билан бирга уни амалга оширувчи давлат органлари ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Ислоҳотлар натижасида ваколатларнинг муайян қисми нодавлат ташкилотларига, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказила бошланди. Бу соҳада ўтган 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилган ишларни мисол тариқасида қайд этиш мумкин. Биргина йўналиш бўйича, яъни ижтимоий ҳимояга оид қонунчиликни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида 26 тадан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги бажарилган ишлар кўламидан дарак беради.

Президентимиз қайд этганидек, биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз даркор. Тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Айниқса, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш вазифаларининг белгиланиши ёшларни ижтимоий ҳимоялашга оид қонунчиликни халқаро нормалар асосида қайта кўриб чиқиш учун қулай имконият яратади. Зеро, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида қайд этилганидек, болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради, барча болалар бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ҳуқуқларининг энг муҳим жабҳаларидан саналувчи ижтимоий ҳимояга оид қонунчиликни халқаро нормалар асосида янада ривожлантириш, ушбу соҳада мавжуд қонуности актлари ва идоравий-норматив мослаштириш усулидан махсус қонунлар орқали тартибга солишга ўтилаётгани ниҳоятда мақсадга мувофиқдир.

**Даврон АҲМЕДОВ,**
**юридик фанлар доктори.**

# ИШОНЧ РИШТАЛАРИ

***Юртимиз мустақилликка эришгач, дунёнинг икки юзга яқин давлатлари билан ўзаро борди-келди, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шу туфайли дунё мамлакатлари ўзбек элининг бой ўтмиши, маданияти, маънавияти, танти ва меҳнаткаш халқининг бугунги куни, улкан бунёдкорлик йўлидаги муваффақиятларидан бохабар бўлиб бораяпти. Ана шундай ўзаро дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишида, барқарор ривожланишида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг алоҳида ўрни бор.***

Дарвоқе, Дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти шўро тузумида ҳам бор эди. Лекин номигагина мавжуд эди. Шу маънода, муассасанинг асл тарихи 1997 йилнинг 26 майида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилингани билан бошланди.

▼ Ўзбекистон ва жаҳон

Энг аввало, Кенгашнинг амалий саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳондаги ўттиздан ортиқ мамлакатда истиқомат қилаётган тахминан 5,5 миллион нафардан зиёд ватандошимиз ўз юртига эмин-эркин келиб-кетиш бахтига муяссар бўлди. Қувонарлиси, ўзга юртда яшаса-да, қалбан ҳамиша шу Ватанга талпинадиган, ота-боболари хоки мангу қўним топган бу заминда нақадар обод ва гўзал мамлакат қад ростлаганини кўриб, дилларида чексиз ифтихор ҳиссини туймоқдалар.

«Қадимий юртимизда қисқа муддат ичида дунё мамлакатлари ҳавас қилса арзийдиган ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлиб турибман, — дея Кенгашнинг "Дастхатлар китоби"га ёзади Литвадаги ўзбеклар маданий маркази раҳбари Лайло Ўрмонова. — Ишонаманки, бундай юксалишларнинг замирида ватандошларимнинг ноёб ақл-идроки, бунёдкорлиги ётади. Қолаверса, умуминсонийликни ўзида жам этган қадрият ва урф-одатларимизнинг қайта тикланганлиги миллатдошларимнинг имони мустаҳкам, ҳар доим "мозийга қайтиб иш тутиш"лигидан далолат бериб туради».

Юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосидаги шерикчилик муносабатлари ўз самарасини бераяпти. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган дўстлик жамиятлари халқларнинг яқинлашувига хизмат қилмоқда. Бу эса Ватанимизнинг жаҳон тамаддунидаги ўрнини мустаҳкамлашга, тили, санъати ва маданияти, илм-фани ҳар томонлама бойишига ҳисса қўшмоқда.

— Хориждаги дўстлик жамиятлари билан мунтазам равишда вакиллар алмашамиз, викторина, кўргазма, конференция ва баҳслар уюштириб турамиз, — дейди Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси ўринбосари Зокир Обидов. — Бундай тадбирлар натижасида халқлараро яқинлик, мустаҳкам муносабатлар чуқур илдиз отмоқда.

Қолаверса, "Фукусима-Ўзбекистон" ва "Япония — Евроосиё мамлакатлари", "Тинчлик қўнғироғи" ассоциациялари, "Хорижий мамлакатлар билан Хитой дўстлик жамияти" каби халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг Буюк Британия, Германия, Болгария, Миср, Покистон, Греция, Япония сингари жаҳоннинг ўн бешдан ортиқ давлатларида турдош дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатиб келаяпти. Мазкур жамиятларда туризм, бизнес, фармацевтика, маданият, адабиёт каби йўналишларда вакиллар алмашинувлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон билан боғлаган, ҳамкорликка, дўстликка, ҳамжиҳатликка асосланган ишонч ришталари тобора мустаҳкамланмоқда.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган мингга яқин босма оммавий ахборот воситаларида ижодий-техник жараёнга замонавий компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизимининг жорий этилиши миллий матбуотимиз қиёфасининг тубдан ўзгаришида муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, журналистлар, техник мутахассисларнинг касб малакаси ҳамда маҳорати муттасил ошириб борилмоқда. Бунда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Босма нашрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар учун грант лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган маҳорат сабоқлари, семинар-машғулотлар мунтазам ташкил этилаётир.

Бундай шароит ва имкониятлар юртимизда ахборот маконининг тобора кенгайиб бориши, унда соғлом рақобат муҳитининг юзага келишига хизмат қилмоқда. Бу эса оммавий ахборот воситалари ходимларидан муттасил изланиш, ташаббускорлик билан бирга ўз фаолиятига, иш услубига замонавий андозаларни доимий равишда жорий этиш, босма нашрларнинг мазмуни билан бирга уларнинг дизайнини шакллантиришда инновацион услубларга ўтишни талаб этмоқда.

Семинарда босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини замонавий андозалар асосида такомиллаштириш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган дизайн ва саҳифалашни янги, янада юксак босқичга олиб чиқиш, босма нашрларнинг веб-саҳифалари мутахассислари ва фотомухбирлар фаолиятини ривожлантиришга оид вазифалар, бу борадаги илғор тажрибага бағишланган маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

***Ангор туманидаги Қўштегирмон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Норғучев ўзига ортиқча баҳо бермайди. «Неки яхши ишлар қилинаётган бўлса, бу одамларимизнинг ҳамжиҳатлиги ҳосиласидир», дейди у.***

Маҳалла ҳудудидаги Қумқишлоқ овули — ўз номига монанд барханликдаги гўша. Овулдаги 120 дан ортиқ хонадон оқар сувга ёлчийвермайди: бош ариқ узоқдан ўтади.

Одамлар аҳволни ўнглаш учун ҳаракат қилишди. Маҳалла фаолларига маслаҳат солишди. Ўз навбатида, маҳалла одамларга суянди. Ҳашарга чиқдилар. У-бу жойдан маблағ топиб, экскаватор ишлатдилар. Кетмон-курак билан ишга киришдилар.

Таъмирланган ариқнинг четларида бугун дарахтлар ўсмоқда. Қумликда яралган боғ-роғлардан кўнгиллар яйрайди.

▼ Маҳалла

Дарвоқе, қишлоқда яшайдиганларнинг эрмагию емаги — томорқа. Кимдир бир парча ерга меҳрини тўкиб, етиштирган ҳосилининг пулига янги уй қуради, «Нексия» сотиб олади. Ва яна кимдир ҳайҳотдек томорқасини ажриққа бостириб қўйиб, ота-онасининг нафақа оладиган кунини пойлайди. Ана шу жиҳатдан келиб чиқиб, маҳалла маъмурлари томорқалардан фойдаланишни мувофиқлаштириб бориш гуруҳи (комиссия)ни тузди. Гуруҳга Алиқул Очилдиев раис, яна беш нафар фаол аъзо этиб сайланди. Улар томорқаларни шунчаки рўйхатдан ўтказишу ҳисобот тайёрлаш билан чекланмайдилар. Уруғ сотиб олишга, ерни ҳайдатишга қийналиброқ турганларга ҳимоят кўрсатадилар. Лозим топилганда эса деҳқончилигини пайсалга солиб турганларни маҳалла идорасига чақириб олиб, жиддийгина гаплашиб ҳам қўядилар.

— Бизда фалончи раису фалончи котиб деган гаплар кам тилга олинади, — дейди Чори Норғучев. — Ҳар бир кўчадан тортиб ҳар бир соҳанинг етакчиси, ташкилотчиси бор. Масалан, Равшан Маҳмудов Қўштегирмон тугул номи жаҳонга танилган йигитлардан. Полвон йирик халқаро мусобақалар ғолиби. «Бекхон-Ангор» фермер хўжалигининг раҳбари. Муҳими, ўз маҳалласининг жонкуяри. Жонкуярлиги шундаки, у ҳамиша ёшлар орасида. Уларнинг интилишлари, қизиқишлари, қадам олишларидан бохабар. Унинг «Йигитмисан, тамаки тутатиш, кечаси билан ёнбошлаб видеофильм кўриш ўрнига китоб ўқи, касб ўрган. Спорт тўгарагига чиқ», деган насиҳатларини қишлоқ болалари оғир олишмайди. Аксинча, унга эргашишади.

Ана шунга ўхшаш даъватлар туртки бўлиб, Қурбон полвон Алимардоновнинг ўғиллари оталарининг хотирасига бағишлаб катта кураш беллашувини ташкил этувди, Қўштегирмоннинг полвон болалари кураш даврасини тўлдириб юборишди. У-бу муносабат билан ўз ҳисобидан ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказаман, деганлар кўпайди.

Маҳалла кўчалари, ҳовлилари, ариқларининг тоза-озодалигини назорат қилиш эса кайвони аёллар зиммасида. Кайвони оналар кўпчилик: Ҳанифа Эгамбердиева, Шарофат Қурбонназарова, Зоҳида Қурбонова... Муҳими, маҳалла обод, аҳолиси шод яшаётган бу масканга ҳавас қилса арзийди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАН

***Наманагандаги "Nestle Ўзбекистон" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 12 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.***

▼ Ислоҳот ва самара

*Эътиборлиси, бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган сут ва сут маҳсулотлари, жажжи болажонларнинг бўтқалари, шунингдек, минерал сувлар сифатлилиги боис нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорлар эътиборини қозонаяпти. Натижада бу корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириш имконини бермоқда. Хусусан, директор ўринбосари Юнусхон Хожиакбаровнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 73,5 фоизга, сут тайёрлаш 57,4 фоизга ошган. 377 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинган. Албатта, бундай кўрсаткичларга эришишда корхонада меҳнат қилаётган 260 нафар ишчининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.*



**СУРАТДА: лаборант Дилшод Исмоилов ҳамда оператор Қодир Солиев.**
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# СЕРМАЗМУН МУЛОҚОТЛАР

***Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, палата Спикери ўринбосари, ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов Пайариқ туманида сайловчилар ҳузурида бўлди.***

— Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг турмушимизга қанчалик ижобий таъсир кўрсатаётгани барчамизга маълум, — деди А. Рустамов туман ҳокимлигида қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла оқсоқоллари билан ўтказилган учрашувда. — Бугун Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонунлар мазмун-моҳияти ҳам айнан халқимиз турмуш тарзини янада юксалтиришга қаратилаяпти. Бу борада палатанинг ҳар бир фракцияси фаоллик кўрсатишга интилаяпти. Аслида биз, депутатларнинг бундай ҳаракатлари сиз сайловчиларнинг фикр-хоҳишларингиз ифодасидир.

Депутат парламент ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни баён этиш билан биргаликда мамлакатимиз Президентининг "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳотлар, ўзгаришларнинг бош мақсадидир" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталди.

Учрашувда туман "Маҳалла" жамғармаси раиси С. Бойзоқов ўз фикрини шундай изҳор этади:

— Ажойиб даврда яшаяпмиз. Кўз ўнгимиздаги ижобий ўзгаришлардан барчамиз мамнунмиз. Шаҳару қишлоқларда барпо этилаётган бири-биридан кўркам иншоотлар фарзандларимизга хизмат қилаяпти. Ободончилигимиз йилдан-йилга

▼ Депутат ва ҳаёт

яхшиланиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришларда депутатларимизнинг ҳам ўрни бор. Улар ўз сайловчисининг кўнглида нима борлигини англашга ҳаракат қилади. Ва улар фикрини парламентга олиб чиқади.

Пайариқ шаҳридаги қишлоқ хўжалиги коллежида ўтказилган учрашувда ҳам кўплаб сайловчилар сўзга чиқишди. Бу ердаги суҳбат мавзуи кўпроқ ёшлар ҳаётига, "Ёшлар йили"да амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган вазифалар ҳақида бўлди.

Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Камолбой Исобеков сайловчиларни, партия аъзоларини фаолликка чақирди.

— Сайлов яқинлашдими, ҳаммамиз жонланиб қоламиз, — деди у. — Парламентда кўпроқ вакилимиз бўлишини хоҳлаймиз. Лекин бизнинг вазифамиз фақат сайлов арафасида эмас, доимий равишда жўшқин бўлиши керак. Кейин ёшларимиз ўртасида ноқонуний ҳолда хорижга чиқиш ҳолатлари мавжудлиги ҳам бор гап. Шу боис, "Миграция тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз. Бу ҳақда депутатимизга сайловчилар номидан ана шундай фикрларни етказмоқчимиз.

Депутат Аслиддин Рустамов Пайариқдаги тиббиёт, иқтисодиёт-сервис, Челак транспорт ҳамда Каттатуркдаги маиший хизмат кўрсатиш коллежлари ёшлари ва бу ҳудудлардаги сайловчилар билан ҳам учрашди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мажидхон Усмонов ва Фахриддин Ражабов ҳам жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мижозларга қулайлик

▼ ХИЗМАТ

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Фарғона филиали 8 та шаҳар ва туманларда пул ўтказмалари хизматини электрон тизим орқали амалга оширмоқда.

Яқин кунларда Учкўприк, Риштон, Тошлоқ, Яйпан туманидаги почта алоқа тармоқларида ҳам ушбу хизматдан фойдаланилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хотин-қизларнинг халқаро форуми

(Давоми. Боши 1-бетда).

қабул қилишда, таклифлар киритишда улар ҳамиша фаол. Зеро, бугунги халқаро форумнинг мақсади ҳукумат яратган шарт-шароитлар доирасида аёллар тадбиркорлигида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга ҳамда хотин-қизларни молиявий манбалардан баҳраманд этишга қаратилганлиги қувонарли ҳолдир.

Форумда сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг ҳокимлик тизимидаги ўрни, уларнинг муҳим ва долзарб ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки масалаларига эътибор қаратдилар. Айнан шу борадаги вазифалар хусусида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Абдуллаева, тижорат банклари вакиллари фикр юритишди.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**

***Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан «Бахтли болалик» деб номланган форум бўлиб ўтди.***

# «Бахтли болалик»

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ширин шаҳар ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Истиқлол йилларида муҳим давлат ишига айланганлиги, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган тегишли ҳуқуқий асослар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Зеро, жорий йилдан кучга кирган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам болалар ҳимоясига қаратилгандир.

▼ Форум

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ва коллеж ўқувчиларининг театрлаштирилган томошалар ва спорт мусобақаларидаги беллашувлари ҳамда ҳарбийлар иштирокидаги кўргазмали чиқишлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**А. МУСТАФОҚУЛОВ.**

# Ишга ва ўқишга

***Тошкент вилоятининг Қумовул қишлоғида жойлашган Маънавият тарғибот марказида армия сафидан қайтган ҳамда бу йил коллеж ва олий ўқув юртларини битираётган ёшлар учун навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.***

▼ Бандлик

Унда бир қатор саноат корхоналари, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, муассаса-ташкилотлар ўзларида мавжуд мингта бўш иш ўрни билан қатнашди.

Тадбир жараёнида 800 дан зиёд йигит-қиз ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди. Таълим олишни давом эттириш ниятида бўлган ёшларга эса тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

